

BUGUN TO'SHKENTDA XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI IV QUROLTO'I UZ I'SHINI BO'SHLAYDI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON

СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ЙИГИЛИШИ

5 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия кўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Ижроқўм аъзолари, ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари биринчи котиблари иштирок этди. Унда бугун иш бошлайдиган партиянинг IV қурултойига оид масалалар кўриб чиқилди.



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 6-NOYABR ■ SHANBA ■ 132 (27.307) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

Сўз — партиямиз фаолларига

САФДОШЛАРИМ ХАЛҚҚА ЯҚИН ОДАМЛАР

Мустақил мамлакатимизнинг сиёсий майдонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз мустақам ўрнига эга. Ишончлиги, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Менинг сафдошларим халқимизга жуда яқин одамлардир. Улар орасида олимлар, ёзувчилар, журналистлар, оддий халқ вакиллари бор. Улар партияга шунчаки номига аъзо бўлиб кирган эмас. Албатта, сафдошларимиз унинг Низом ва Дастури билан яхши таниш, уни ҳар доим қўллаб-қувватлайди. Халқимиз орасида тарғиб-ташвиқ қилади. Ўйлайманки, партиянинг ютуғи ҳам шунда. Мен ҳам шу партиянинг бир аъзоси сифатида шундай фидойий инсонлар сафидан турганимдан faxрланаман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нодавлат ташкилот сифатида барча сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда шу вақтга қадар кўпгина тадбирларни ташкил этдик. Уларнинг қўлларидан қатнашиш менга ҳам насиб қилди. Партия раҳбарияти билан бирга узоқ кишлоқларда, оддий одамлар орасида, армия сафларида хизмат қилаётган аскарлар ҳузурда бўлганми, ёшлар, хотин-қизлар билан учрашганимиз. Хуллас, аҳолининг турли қатламлари орасида кўп бўлганми. Бундан кўзланган асосий мақсадимиз халқимизга жамият олдидаги вазифаларни тарғиб қилиш, бугунги ижтимо-



ий-сиёсий жараёнларга одамларни кўпроқ жалб этиш, уларнинг дил-дардларини тинглаш ва албатта, партиямиз ҳақидаги фикрларни ўрганиш бўлган.
Бугунги кунда катта бир сиёсий жараён олдида турибмиз. Сайловлар яқинлашгани ҳар бир партия аъзосини янада сергак торттирди. Эртага қайси партиянинг вакилига овоз бериш, албатта, ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Аслида ҳар бир сиёсий партиянинг умумий мақсади битта: халқимиз, юртимиз фаровонлиги учун хизмат қилиш. Шундан келиб чиқиб, партиямиз кенг халқ оммасини ўзига жалб қила оладиган партия эканлигига ишонаман.
Шу вақтга қадар Қашқадарё вилоятида, Чирчиқ шаҳри ва қатор олий ўқув юртиларида катта-катта учрашувлар ўтказдик. Шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент вилоятининг Пискент туманида бўлиб ўтди. Бу ерда биз учун кўпгина янгиликлар очилди. Пискентда адабиётимизда ном қолдирган кўп улғу одамлар ўтган. Уларнинг хотирасини тиклаш, китобларини нашр этиш бўйича партия раҳбарияти иштирокида маҳаллий ҳокимлик, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда қатор режаларни тўздик.
Бу ишлар партияимизнинг халқ орасидаги обрў-эътибори янада орттиришига олиб келади. Халқимиз партия фаолияти билан янада яқинроқ танишади. Партия раҳбарияти ҳам бугун аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрган-

ди, уларнинг ҳам-ташвишлари, кайфияти билан қизиқди. Бу албатта, кейинги фаолиятимизда ўз самарасини беради. Лекин биз фақат шу ишлар билангина чекланиб қолмасдан, қулочимизни янада кенгрок ёйишимиз керак. Ахс ҳолда ўртамеъначиликдан нарига боролмай қоламиз.
Бугун бўлиб ўтадиган Қурултойда фаолларимиз, мамлакатимизни тезкор сўратлар билан ривожлантириш борасидаги аниқ ва жўяли таклифлари билан дадил чиқишларини хоҳлайман. Кўп учрашувларда одамлар «Партиянинг қўлидан нима келади ўзи?», «Ундан халққа қандай манфаат етади?» деган саволларни кўндаланг қўйишади. Партиямиз ана шу саволларга амалий ишлари билан жавоб бериши керак.
Бугунги Қурултой ишига катта муваффақият тилайман.
Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

2-БЕТ

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИНГ СЎЛ ҚАНОТИДИР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мухтарам ватандошлар!
Азиз дўстлар!
Рус маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз ҳамда умумий уйимиз бўлиши саховатли Ўзбекистон заминидан тинчлик ва барқарорликни, аҳиллик ва тотувликни таъминлаш ва мустақамлаш йўлидаги меҳнатингиз, бу олижаноб ишга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IV қурултойи делегатлари кеча Марказий Кенгаш биносидан рўйхатдан ўтдилар.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан ташриф буюрган партия фаоллари қурултойда кўриладиган масалалар ва сайловолди тадбирлари ҳақида фикрлашиб олдилар.



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ВАКИЛЛИГИ

	Олий Мажлис	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Туман ва шаҳар Кенгашлари
Жами депутатлар	250	815	5227
Шу жумладан: Ўзбекистон ХДП вакиллари	47	241	2016
Фондда	18,0	30,0	38,5

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, кўпмиллатли давлатимизда қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустақамлаш, меҳнаткаш инсонга ҳурмат-эҳтиром, жамиятимизда, миллати ва динидан қатъи назар, ҳамма учун тенг шароит яратиш — бизнинг олий мақсади-миздир. Буларнинг барчаси — демократик янгилашни, халқимизнинг фаровонлиги, унинг муносиб ҳаёт даражасини, халқро ҳамжамиятда мамлакатимизнинг юксак нуфузини таъминлашда ҳамма энг муҳим, ҳал қилувчи шарт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор берилётгани айнан ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Биз Ўзбекистонда миллатлар ўртасида, динлар ва фуқароларо тотувликни таъминлаш масалаларига доир ҳуқуқий меъёр ва қафолатларнинг Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганини ҳам айнан ана шу шарт-шароит тақозоси сифатида эътироф этамиз.

Бу вазифаларни ҳал қилиш борасида амалга ошираётган барча ишларимиз қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ёнма-ён ашаб келган Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланган эзгу анъаналарнинг бугун ҳам изчил ва муносиб давом этаётганидан далолат беради.

Буларнинг барчаси, биринчи галда турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши ўзининг меҳр-оқибатлиги, тинчликсевар ва бағрикенглиги, сазийлиги билан ажралиб турувчи халқимиз маънавий бирлигининг асоси, унинг ахлоқий қадриятлари ва ўзига хос фазилатларини шакллантиришнинг муҳим омилдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий маданият марказлари томонидан амалга оширилаётган, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуларини мустақамлашга, биздан кўра ақлли, билимли, кучли ва албатта бахтли бўладиган янги авлодни тарбиялашга қаратилган кўп қиррали бунёдкорлик ишлари нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини, шубҳасиз, барчамиз яхши англаймиз.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Рус маданият маркази ўзининг самарали фаолияти билан ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишдек хайрли ишга улкан ҳисса қўшмоқда ва юртимизда ҳақли равишда обрў-эътибор қозонмоқда.

Қадрли дўстлар, сизларнинг турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақамлаш, мамлакатимизда доимо катта ҳурматга сазовор бўлиб келган рус халқининг ноёб қадимий маданияти, адабиёти ва буюк тили, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларини жамиятимизда сақлаш ва мустақамлаш борасида амалга ошираётган ишларингиз айниқса таҳсинга сазовордир.

Рус маданият маркази фаолияти биз учун ана шуниси билан ҳам аҳамиятлики, у Россия билан дўстлик, ҳар томонлама муваффақиятли ривожланаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш йўлида ўзига хос муҳим кўприк вазифасини ўтаб келмоқда.

Сиз азизларга мустақам соғлиқ, хонадонларингизга бахту саодат, тинчлик ва фаровонлик, олижаноб ишларингизда янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Ислам ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентли

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГ БАНКИ

Халқлар алоқабандлиги

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар алоқабандлиги

ALQABANK —
aniq, tez, ishonchli!

Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

Хизматлар алоқабандлиги

БИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ КЎТАРИШ, АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ

Мамлакатимизда демократияни ривожлантиришни асосий масалалардан бири — ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида олий қонунчилик органи фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштиришдир. Самарқандда ўтган «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзусидаги халқаро учрашув давра суҳбати ана шу масалалар таҳлилига бағишланди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташкил этди. Учрашувда халқаро ташкилотлар ва жамағатларнинг экспертлари, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Россия, Украина, Япониядан дипломатлар ва сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари етакчилари ва фаоллари қатнашдилар.

мократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси. Уларга Марказий сайлов комиссиясидан сайловда иштирок этиш учун рўхсат берилди. Яқин кунларда сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи босқичи бошланади ва депутатликка номзодлар сайловчилар овози учун курашга киришадилар.

учун партиялар томонидан депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Демократияни мустақамлашда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта, деб таъкидлади АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб. Улар сайловчилар манфаатлари ҳимоя қилади, жамият ҳаётининг барча соҳаларида депутатликка номзодлар охирида ҳуқуқатга ёрдам беради. Фикрлар хилма-хил-

Сўз — партиямиз фаолларига

БИЗ УЧУН ҲАМ, СИЗ УЧУН ҲАМ ФОЙДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгандан буён аъзомам. Унинг дастуридаги олимлар, зиёлилар, умуман, илм аҳлига бағишланган қисми ва унинг ҳаётга жорий этишга бўлган интилишлар бир олим сифатида мени жуда қувонтиради. Дастурда шундай жумлалар бор: «**партия ёш олимлар, университет, институт профессор-ўқитувчиларининг ижтимоий мақоми оширилиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари ва уларнинг ақл-заковати, салоҳияти юксак баҳолашни тарафдоридир.**» Бу албатта, илм йўлига энди кириб келаётган ёшларнинг ҳам, бутун умрини фан равнақида бағишлаганларнинг айни дилдаги гаплардир.

Кенгаш қошидаги Ёшлар марказида ёш олимлар билан ишлаш бўлими ташкил этилаётгани илм аҳли ва партиямиз ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлайди. Очигини айтиш керак, бугун ёш олимлар олдида муаммолар йўқ эмас. Мен ҳозир уларни санаб ўтирмоқчи эмасман. Лекин шунинг таъкидламоқчиманки, Халқ демократик партияси илм-фандаги муаммоларнинг ечимига бағишланган кўплаб тадбирларни ўтказиб келяпти. Шулардан бири яқинда партиянинг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улугбек туман кенгашилар ташкил этган «**Ёш олимлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси эътиборида**» деб номланган давра суҳбатидир. Унда илм йўлида эндигина атак-чечак қилаётган йигит-қизлар дуч келаётган муаммолар кўтарилди. Уларнинг ечими



борасида турли таклифлар айтилди. Хоҳлардимки, бу муаммолар шунчаки гап-гича қолиб кетмасдан, ЎзДПнинг сайловолди платформасида акс этиб, келажакда ўз ечимини топса. Уйлайманки, бу партия учун ҳам, мамлакатимиз илм-фани учун ҳам катта фойда бўлар эди. Мен шу маънода партиямизнинг бўлажак сайловлардаги иштирокига омад тилайман.

Тўра МИРЗАЕВ,
ЎЗРФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти директори

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Мутлақо янги асосда ташкил этилган бўлғуси сайловлар мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан амалга оширилган парламент ислоҳотининг мантқий давомидир, деди Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши тегишли қонунчиликка асосланган. Хар қандай демократик тизимнинг энг муҳим бўғинлари ҳисобланган сиёсий партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси илгор халқаро тажрибани инobatта олган ҳолда шакллантирилди. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун кўппартияли тизим тўғрисидаги конституциявий қондаларни амалга ошириш

механизмларини белгилаб берди. Бу йил қабул қилинган сиёсий партияларни молиялаш тўғрисидаги қонун эса уларнинг ҳисоб рақамларига тушаётган маблағлардан қонуний ва мақсадли фойдаланиш учун қаролат яратди. Таъкидлаш жоизки, партиялар фаолиятининг молиявий жиҳатини бундай ҳуқуқий тартибга солиш тизими ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. Ҳақиқий демократиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишдир. Бугун Ўзбекистонда бешта сиёсий партия фаолият олиб бормоқда. Булар — Халқ де-

Бу галги учрашув сайловларга тайёргарлик жараёнида катта аҳамиятга эга, деди ЕХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Пэр Нурмарк. Декабрь охирида Ўзбекистонга ЕХТ қузатувчиларининг чекланган миссияси жўнатилади. Мамлакатда демократик, очик, транспарент сайловларни ташкил этиш юзасидан давлат томонидан олинган мажбуриятлар режа асосида бажарилмоқда. Шунга мувофиқ сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилди, унга халқаро стандартлар талабига мос ижобий ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлар хусусан сиёсий партиялар фаолияти ва уларни молиялаш масалаларига тегишлидир. Гендер тенглигига эришиш

лиги сиёсий партияларга дастурларининг турлича эканлигига қарамай, бир қарорга келиш ва шу тариха фуқаролик ҳокимияти механизми самарадорлиги ва сиёсий мутаносиблики таъминлаш имконини беради. Ўз навбатида, бу партияларга жамият олдида катта масъулият юклайди. Ўзбекистонда ҳокимиятни янада демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Бу сайловларга тайёргарлик очиклик, транспарентлик руҳида бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳақонда сайлов кампаниясини ташкил этишининг катта тажрибаси мавжуд, аммо ҳамма мамлакатлар учун ягона парламент тизими йўқ,

деди Ж.Хопкинс университети (Вашингтон) Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр. Вақт ўтган сари сайлов соҳасидаги халқаро стандартлар ҳам ўзгариб боради. Шу боис хар қайси жамият, шу жумладан Ўзбекистон ҳам, ўз манфаатлари ва аъноларига мос келаётган парламент ва сайлов тизимини шакллантиради. Ўзбекистонда шаклланаётган демократиянинг истиқболли порлоқ. Бу ерда шаклланган сиёсий тизим барқарорлик ва фуқаролар бирдамлиги манба ҳисобланади.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар давлатининг раҳбари томонидан бошланган ва уни халқ кўллаб-қувватлайди, деди МДХ Ихроия қўмитаси раиси ўринбосари — ижрочи котиби Валерий Кириченко. Шу сабабли Ўзбекистоннинг келажиги ёрқин, бун Президент Ислоҳ Каримовнинг пухта ўйланган, демократияни ривожлантиришга қаратилган сиёсати қаролатлайди. Ўзбекистон — кучли давлатчилик тарихига эга қадимий мамлакат. Айнан ўша аъноларга, муайян шароит ва жамият эътиёшларига суяниш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча сиёсий партияларнинг умумий мақсади — демократияни янада мустақамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, кучли иқтисодиётни шакллантиришдир.

Давра суҳбати қизгин мунозара ва мулоқот руҳида ўтди.

А.ИВАНОВА,
А.ҚАРШИЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

СУҲБАТЛАР БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ



бўлмаган жамоа учун бу катта рақам. Жамоаимизда ўтказилган хар қандай тадбир бошида албатта партия ташкилоти ва унинг фаоллари туради. Айниқса, Меҳр ва муруват йили муносабати билан мунтазам тарзда ўтказилаётган хайр-саховат тадбирлари меҳрга ташна тарбияланувчилар ёдида бир умрга қолади. Партиянинг Хоразм вилоят ва Хива туман кенгаши руҳида шундай бир қатор хайрият тадбирлари ўтказди. Партия ташкилоти хар доим моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаб келаётгани туфайли жамоаимиз орасида унга ишончли оширмоқда.

Сайловлар йилида партиянинг барча бўғинларида бўлиб ўтган ҳисобот йиғинлари фаолиятимиздаги камчилик-нуқсонларни ва айни пайтда келгусида қилишимиз зарур бўлган ишларни қўрсатиб берди.

Сафимизни ёшлар ҳисобида тўлдириб боришимиз керак. Партиянинг турли бўғинларини бошқараётган котиблар иш жойини кабинет деб билмасликлари, кўпроқ халқ орасига чиқиб, эл-юртнинг юмуш-ташвишлари билан бирга бўлишга интилишлари зарур. Фақат турли мавзулардаги суҳбатлар билан иш битмайди. Аллақачон амалий ишни биринчи ўринга чиқариш вақти етган.

Бўлажак сайловларда ҳам партиямиз эл орасидан обрў-эътиборли, ишчан, билимли номзодларни танлаши ва уларнинг халқ вакиллари бўлишига астойдил интилиш керак. Мен бўлажак сайловларда партиямиз муваффақият қозонишига ишонаман.

Вера ПАК,
Ўзбекистон Қоҳрамони, Хива шаҳридаги 20-«Меҳрибонлик уйи» директори



МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИДИР, МЕНИНГ ПАРТИЯМ!

МАМЛАКАТИМИЗ ПАРЛАМЕНТИДАГИ ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPATИK ПАРТИЯСИ ФpAKЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ МОНОЛОГИ

*Ўн уч йилда, ўн уч довои оиди сафларим,
600 минг атрофида бўлди алларим,
Одамларга тўқин ҳаёт... — асл мақсадим,
Эргашмоқда маъқул келиб элга гапларим...
Ҳам сиёсий, ҳам маърифий мактаб — армиям,
Мустақиллик тенгдошидир, менинг Партиям!*

*Беш сиёсий партиянинг бу кун пешгир, олди у,
Ислоҳотга кучоқ очиб пешвоз борди у,
Аждодларим ҳикматида содиқ қолди у,
Истиқлолга чорлагувчи йўллар солди у:
«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, Кам бўлмаймиз ҳам!»
Мустақиллик тенгдошидир, менинг Партиям!*

*Куч-қудрат-у салоҳият — пиллапоёси:
Инсонийлик, бағрикенглик — юксак юяси,
Демократик тараққиёт — таянч қояси,
Виждон эрки — Дастурининг оиди дояси,
«Юринг!» — дейди, «Бўлинг!» дейди, жипс ва маҳкам,
Мустақиллик тенгдошидир, менинг Партиям!*



КЕЛАЖАГИ БУЮК ВАТАНИМ!

Кеча «Туркистон» саройида ХДП Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 13 йиллиги ҳамда партиянинг IV курултойига бағишланган «Келажаги буюк Ватаним!» шиори остида Ўзбекистон эстрада юдузлари иштирокида катта концерт дастури бўлиб ўтди. Тадбирга курултой делегатлари, ЎзДПнинг фаоллари, элга таниқли инсонлар, лидер аёллар, ёшлар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган юрдошларимиз тақлиф этилдилар.

Йиғилганларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов

ҳамда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қоҳрамони Абдулла Орипов табриқладилар. Улар катта сиёсий тадбир — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларига бўлиб ўтаётган сайловлар арафасида барча фуқароларга фаоллик тилаб, сайловларнинг келажакимиз эртанги фаровон ҳаётимиз учун аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг, халқимиз суйган бир гуруҳ санъаткорлар иштирокида катта байрам концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Хар бир идора, ташкилот, корхона фаолиятида халқаро алоқаларни мустақамлаш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу жумладан, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. У кўлаб яқин ва узоқ хорижий давлатларнинг сиёсий партиялари билан дўстона алоқаларни йўлга қўйган. Узаро тажриба алмашиш, бир-бирининг танлаган йўлларини, жамиятдаги обрў-эътиборини, илгари сураётган дастурини ўрганиш хар иккала томон учун ҳам фойдалли албатта.

— Демократик мамлакатларда сиёсий партиялар кўп, — дейди ХДП Марказий Кен-

гаши маслаҳатчиси **Валижон Абдусаматов**. — Лекин йўналиши, жамиятда тугган ўрни бизникига яқинроқ бўлган хорижий партиялар билан алоқани мустақамлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Мисол учун Россиянинг «Единая Россия», Озарбайжоннинг «Янги Озарбайжон», Украина Халқ демократик партияси, Тожикистон Халқ демократик партияси, Ҳиндистон Миллий Конгресси(и), ва бошқа кўпгина давлатларнинг турли сиёсий партиялари билан алоқаларимиз мустақам. Биз уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, ишларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиламиз. Бу ўша мамлакатдаги сиёсий жараёнларни яқиндан кузатиш, сиёсий партиянинг жа-

ДЕМОКРАТИК КУРАШЛАР ТАРАФДОРИМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фахрланса арзийдиган ишлари ҳам, жамиятимизга айтадиган сўзлари ҳам кўп. Биз бундан буён ҳам мамлакат иқтисодиётида, ижтимоий-маънавий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларда, жамиятни демократлаштириш ва миллий руҳни кўтаришда фаол иштирок этамиз.

Очиги, жамиятимизни ислоҳ қилиш йўлидаги фаолиятимизга одамларни ишонтиришга уринишнинг ўзи камлик қилади. Биз ваъдаларимиз ортида нималар турганлигини, мақсадга эришиш йўллари, шакллари ва усуллари тўғрисидаги партиямиз нуктаи назари, қарашлари ва тасав-

вурлари нимадан иборатлигини аниқ билишимиз ва бу ҳақда гапиршидан чўчимаслигимиз керак.

Сайловчиларимиз сайлаган депутатлари ўз сиёсий йўналишлари ва мақсадларини амалга оширишга, халқ манфаатини ҳимоя қилишга қодир эканига ишонилари зарур. Ўзбекистон Халқ демократик партияси нима учун кураш олиб бораётгани ва нимага эришмоқчи эканини, қандай иллатларга қаршилигини одамларга баралла айтиши зарур. Ҳаётий муаммолар ечимини топишга эътиборни қаратиш сайловлардаги галабанинг муҳим гаровидир. Уйлайманки, партиямизнинг IV курултойида қабул қилинади-



ган сайловолди платформасида бу йўналишлар аниқ акс этади.

Биз кескин муаммоларни бошқа сиёсий партиялар билан муҳокама қилишдан қочмаслигимиз, демократик курашлар тарафдори эканлигимизни амалда исботлашимиз керак.

Латиф ҒУЛОМОВ,
ЎзДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ, ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЮҚОРИ

тобора яқинлашмоқда. Партиялар ўз номзодларининг депутатликка сайланиши учун курашмоқда.

Умид қиламанки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловларда иштироки муваффақиятли бўлади. Негаки, унинг салоҳияти, куч-қудрати, имкониятлари юқори, у халқ билан ҳамнафас.

Истагим шуки, партиямизнинг навбатдаги курултойи, санъаткорлар тили билан айтганда, хар жиҳатдан юқори нотада ўтсин. Унда тасдиқлана-

диган сайловолди платформаси ва белгиланадиган мақсадлар амалга ошин. Кўрсатилган номзодларимиз депутат бўлиб сайланишимиз. Улар халқ ишончли оқлаб, элимизга, юртимизга хизмат қилисин.

Биз халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш, унинг орзу-истаклари, қарашларини ифода этиш учун курашаётган партиямиз атрофида янада мустақамроқ жипслашимиз керак.

Ёкуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти



Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгиликлар кўп. Икки палатали янги парламент ташкил этилди. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига бўладиган сайловлар

Парламентда мавқеи бор — янграқ овози,
Сайловларда голибликка қўйиб тарази,
Йиллар оша қанотланур савй-парвози,
Минбарини эл суяр — «Ўзбекистон овози»,
Хар фуқаро омонлиги — нилти ҳар дам,
Мустақиллик тенгдошидир, менинг Партиям!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚИСМИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАН ИБОРАТ

Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?

МУТЛАҚ ВАКОЛАТ ТУШУНЧАСИ

«Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мутлақ ваколатлари нималардан иборат?»

Карим РОМАНОВ,
Нукус шаҳри, пенсияер, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган курувчи,
(Савол телефонда олинган.)

Мазкур саволга жавоб беришни юридик фанлари номзоди Исмаилов МАМАНОВ Илтимос қилдик.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига: Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларининг, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларининг сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш; регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш, палатанинг ички тартиб-қоидаларини билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорлар, шунингдек, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасида у ёки бу муаммоларга оид палата қарорларини

қабул қилиш қиради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунда палата қўмиталарининг ваколатлари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Қонуннинг 18-моддаси, 6-бандига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қўмиталари киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, уларнинг тартиб-қоидалар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этиш ваколатига эга.

Қонунда Сенатнинг ҳам мутлақ ваколатлари белгилаб қўйилган. Улар жумласига: Сенат раиси ва унинг ўринбосарларининг, қўмиталар раислари ва уларнинг ўринбосарларининг сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик судини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тақдимига биноан республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда лавозимларидан озод этиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Президентнинг республика Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Президент тақдимига биноан республика Миллий банк бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш; Президент тақдимига биноан Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; республика Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; республика Бош прокурори-

нинг, Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидаларини билан боғлиқ ҳамда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш қиради.

Мухтасар айтганда, бўлажак сайловлардан кейин ташкил этиладиган икки палатали парламентнинг мавқеи ва ўрни беҳисоб. У истикболда қабул қилинадиган қонунларни янада юқори сифат даражасига кўтариш йўлида муносиб хизмат қилади. Айни пайтда шаклланажак икки палатали парламентнинг фаолияти ривожланган давлатлар парламентлари фаолияти даражасида таққилолашиб, мустақамлашиб бораверади. Шу маънода, 26 декабрда бўладиган сайлов ўта муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга сиёсий тадбирдир.

МИШ-МИШЛАРНИ РАД ЭТДИ




Ёсир Арафот даволанаётган Париж касалхонаси вакиллари унинг ўлими ҳақида тарқалган миш-мишларни рад этди.

Исроил телеканалларидан бири хўсис ҳолатдаги Арафотнинг бош миёси сканер қилинишидан кейинги хулосалари унинг ҳаётдан кўз юмганини билдирганига ҳақида хабар берган эди.

— У ўлгани йўқ, — деди Перси касалхонасининг бош шифокори Кристиан Эстрипо.

Охириги икки кун давомида соғлиги бирдан оғирлашгани туфайли 75 ёшли Арафот интенсив терапия бўлимига ўтказилди.



ЖОН КЕРРИ МАҒЛУБИЯТНИ ТАН ОЛДИ



Президент Жорж Буш Вашингтонда ўз тарафдорлари билан учрашувда президентлик сайловларида голиб чиққанини эълон қилди.

Буш рақиби Жон Керри ўз мағлубиятини тан олганини маълум қилар экан:

— Янги президентлик мuddати — бутун миллатга муурожаат қила олиш имконияти дегани. Бизнинг конституциямиз ва келажакимиз битта. Агарда биз бирлашиб ишласак, Америка мамлакатининг улугворлиги чегара билмайди, — деди.

Америка бу сайловларда ўз сўзини айтди. Президент кеча ўз вазифасига қайтиб, ишни охириги икки ой мобайнида биринчи марта йиғилиш ўтказишдан бошлади.

Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, АҚШ фуқаролари жиддий янгиликларни кутаяпти. Гап биринчи навбатда, президент маъмуриятидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида кетаяпти. Айни пайтда АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд, Давлат департаменти раҳбари Колин Пауэлл ҳамда миллий хавфсизлик масалалари бўйича Бушнинг маслаҳатчиси Кондолиза Райс ўз лавозимларини сақлаб қолиши номаълум бўлиб турибди.

Бушнинг айтишича, Америка иқтисодиёт, таълим, ижтимоий муҳофазаси, оила ва дин масалаларида юксалиш ҳамда умидворликнинг янги даврига қадам қўйди. Шунингдек, у Америка ўз ҳамкорлари ёрдамида терроризмга қарши курашни давом эттиришни билдирди.

Сайловларда мағлуб бўлган номзод Жон Керри ҳам ўз тарафдорлари олдида сўзлади.

— Сизлар бажарган ишлар катта аҳамиятга эга. Сайловларда ким голиб чиққанидан қатъи назар, биз эрталаб барибир америкалик бўлиб ўйғонамиз, — деди Керри Бостондаги учрашувда.

Шуниси қизиқки, республикачилар айни пайтда галаба қозонган бўлса ҳам, тўрт йилдан кейин бўладиган сайловларга ўзларининг янги номзодини тайинлаб қўйишган. Тахминларга қараганда, кейинги сайловда президентлик учун Республикачилар партиясидан номзод Жорж Бушнинг акаси Жей Буш бўлади. Флорида штати Жорж Буш учун овоз берганлиги туфайли Жей Бушнинг партиядоги ҳурмат ва эътибори янада ошди. Бироқ Жорж Буш партия фаоллари ишончини йўқотмасанга, Жей Бушнинг номзоди президентликка қўйилиши мумкинлиги айтилмоқда.

Демократлар партиясининг вакиллари The New York Timesга берган интервьюсида Керрининг мағлубияти тўғрисида президент Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтонни партиясининг энг кучли аъзосига айлантирилганини таъкидлашган. Шунингдек, улар Хиллари Клинтонни 2008 йилда бўлиб ўтадиган сайловдаги президентлик учун кураш олиб бориши мумкин бўлган номзод сифатида кўрсатишди.

Агар 2008 йилдаги сайловда сенатор Хиллари Клинтон ёки губернатор Жей Буш ютса ва 2012 йилда ўз номзодларини янгидан қўйишса, қизиқ бир изчиллик вужудга келади. Гап шундаки, 1972 йилдан бошлаб 2016 йилгача бўлган давр мобайнида Америка сайловларида доимий равишда Буш ёки Клинтон фамилиясидаги шахслар катнашган бўлади.

ХУРИИД РАУПОВ

ЕВРОПА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Кеча Брюсселда Европа Иттифоқи давлат ва ҳукумат раҳбарлари раис Жозе Мануэл Дуро Баррозу томонидан тақдир қилинган Европа Комиссиясининг янги таркибини тасдиқлади.

Баррозу янги таркибга адлия, эркинлик ва хавфсизлик масалалари бўйича комиссия сифатида номзоди тасдиқланмаган Рокко Буттильоне ўрнига Италия ташқи ишлар вазири Франко Фраттинини қўшди.

Интер-спорт

КАСПАРОВ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Маълумки, Гарри Каспаров 29 октябрда кўни ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновга муурожаат қилиб, 31 октябрда қадар Дубайда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан ўтказиладиган учрашувни молиявий жиҳатдан қаролатиб бермас, бундай ўйиндан воз кечиши мумкинлигини билдирган эди. ФИДЕ президенти Каспаров талабини қондириб, учрашув банк кафолати билан молиявий жиҳатдан таъминланганига рози эканлигини айтди. «Менинг қўлимда ана шу банк кафолати турибди, — деди Илюмжинов. — Яқин орада биз Каспаров билан Дубайда ўтказиладиган матбуот конференциясига борамиз. Сўнг Москвага қайтамиз. Гап шундаки, Каспаров — Қосимжонов учрашуви бир ҳафта олдинга сурилади. Мусобақа 14 январдан 1 февралга қадар давом этади. Бойси, Каспаров бу кезларда Россия чемпионатида иштирок этиши, кейинчалик бироқ ўзига келиб олиши лозим бўлади».

Террорнинг олди олинди

Испания полицияси «Сантьяго Бернабеу» стадионинда экстремистик гуруҳларнинг янги йўққа чиқардик, деб уйлайман». Ҳатто бундай террорчилик акти шахсан Дэвид Бекхэм ва унинг оиласига қаратилган деган фикрлар ҳам бор. Чунки унинг рафиқаси Виктория қўлини ўйилари Бруклин ва Ромео билан стадионга ташриф буюрди.

Шу кунларда Викториа учинчи фарзанди кўтмоқда. Илгари террорчилар Бруклин ўқийдиган инглиз мактабини портлатишга ҳам уринишган эди. 2002 йили эса баъзи кимсалар Виктория билан уйирлаб, 5 миллион фунт стерлинг талаб қилишгани ҳам маълум.

«Эхтиром китоби»

КўПНИ ДЕГАН КАМ БўЛМАС

Шаҳрихоннинг Қўрғонча қишлоғилик Ҳайдар бува Муллажонов 93 ёшда. Ҳаёт муаммолари, юртдошлари ҳақида холис сўз айтиши билан элга танилган.

— Кўп кузатдим, улуглар айтганидек, кўпни деган кам бўлмас экан, — дейди нуруний. — Шу ҳикматни эслганимда раисимиз Ўрмонжонни уйлайман. Қаранг, ёшлигидан ўқиди, сўнг далага чиқиб, механизаторлик қилди, деҳқончиликни пухта ўрганди, меҳнати билан обрў-эътибор топди. Кўпчиликни тўғри йўлдан бошлади. Шу туфайли жамоадаги одамларнинг бири икки бўлди, хўжаликка, хонадонларга баракка кирди.

Мен уни раис бўлгани учун мактабтаним йўқ. Қўпга қайишганимга, ҳар доим кўпни уйлаганига қўйил қоламан.

Бир кун далада этигини ечиб, сарпўйчан бўлиб, сувчи билан бирга сув тарапта. Деҳқончиликни билгани, камтар бўлгани учун шундай қилган-да. Бўлмаса «Волга»да юриб, кўчадан экинзорга бўйлаб

кетаверармиди.

— Камтарликда камол топапти, — дея сўхбатимизга қўшилди Абдуллоҳжон ота Тожибоев. — Мактаблар қурганини айтинг. Боғчага ҳам бориб туради, болажон-да. Боғчани қайтадан таъмирлашда бош-қош бўлганида роса дуо қилдик.

Ўрмонжон Бозорбоев бош бўлган академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг хар соҳада пешқадамлиги кексаларининг айтганларини тасдиқлайди. Заводга биринчи бўлиб шу хўжаликнинг пахта қарвони қиради. Са.оқлик кунда режа бажарилиши яхши аънамага айланган. Деҳқонлар манфаат топаётгани учун ўз ишини билиб қилади. Меҳнатига яраша рағбат кўришади.

Меҳнатнинг самараси даромад билан белгиланади. Ширкат хўжалиги бу йил жами 250 миллион сўм соф фойда кўриши мўлжалланмоқда. Бу рақам ҳаммани хурсанд қилади. Мазкур кўрсаткич ўтган йилгидан 120 миллион сўм кўп. — Ширкат хўжалиги бизнинг



доимий йўлдошимиз, — дейди «Сардор» фермер хўжалигининг раҳбари Турсунбой Тоштемиров. — Ўрмонжон ака хар доим ишларимиздан хабар олиб туради, маслаҳатларини аямайди. Ишимиз яхши бўлса, қувонади, камчилигимизни бетимизга айтади.

Ўрмонжон ака хар доим кекса-ёш, деҳқонлар қаторида, сафдошлар даврасида. Ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилототи котиби Аҳмаджон Раззоқов билан маслақдош. Бошланғич ташкилотига бирлашган 87 нафар ЎзХДП аъзосининг бири раисининг ўзи.

— Одамларнинг ишончини

менга куч-қувват беради, астойдил ишлаганга ундайди, — дейди Ўрмонжон Бозорбоев. — Уларнинг меҳнати билан юзимиз ёруғ, ҳаракатлари билан ишимиз илгари силжийди.

Ўрмонжон Бозорбоев 34-Юқори Шаҳрихон сайлов округидан Олий Мажлис депутаты сифатида ҳам эл ишончини оқлапти. Парламентда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, деҳқончиликнинг қадрини ошириш масалалари муҳокамасида фаол қатнашгани ҳам кўпчилик манфаати учун астойдил жон қойиётганидан далолат.

Эл ишончи — олий муко-

фот. Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги академик Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси, ЎзХДПдан Олий Мажлис депутаты Ўрмонжон Бозорбоев ана шундай ҳурматга сазовор инсонлардан. Ўзоз тошган қардошимиз билан биз — партиядошлар ҳаммиша фахрланамиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Хураббек АРАБОВЕВ (фото)

◆◆◆
Суратда: Ўрмонжон Бозорбоев Ҳайдар бува Муллажонов билан.

ҲУРМАТ МЕҲНАТГА ЯРАША

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ партия ташкил этилганнинг 13 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ фаоллар Марказий Кенгашнинг «Эхтиром китоби»га киритилди. Улар орасида ЎзХДП Мирзачўл туман кенгаши биринчи котиби Ҳаким Номозов ҳам бор.

Ҳаким акани кўп йиллардан буён биламан. У киши Мирзачўлни ўзлаштиришга катта ҳисса қўшган чўлқуварлардан. Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги, маънавият-маърифат соҳаларида фаолият кўрсатган, раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Бу инсон партиямиз ташкил топган кунларданқо унга аъзо бўлди. Шундан буён уни чинакам халқ партиясини, демократия мактабига айлантириш йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган.

Айни пайтда партиямизнинг Ҳаким Номозов етакчилиги қилаётган туман кенгаши вилоятдаги энг уюшган, обрўли, ўзига хос мавқега эга ташкилотлардан саналади. Унинг сафарларига бугун 2000 нафардан зиёд аъзолар уюшган. Улар ичида ўз ишининг ўнлаб, юзлаб усталари, чинакам фидойилар бор. Уларнинг хизматларини қанчалик эътироф этсангиз оз.

Ҳаким Номозовнинг шоғирдлари, издошлари кўп. Улар бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишаётир. Улар билан сўхбатлашганингизда одамларга яхшилик қилиш, элу юрт манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишни Ҳаким акадан ўрганганимиз, дейишади.

Оилапарвар, бири-биридан обрўли, хўшхулқ, меҳнатсевар фарзандларни тарбиялаб вояга етказиётганига алоҳида бир мавзу. Ҳаким Номозовнинг партиямиз «Эхтиром китоби»га киритилганини нафақат тумандаги, балки вилоятдаги минглаб партиядошларимиз астойдил олқишладилар. Бунга сабаб Ҳаким аканинг меҳнатсеварлиги, ҳалол ва фидойилиги эмасми? Зеро, ҳурмат ҳам, эхтиром ҳам меҳнатга яраша бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ГАЗЕТАМИЗНИНГ САДОҚАТЛИ ДЎСТИ



У гарчи Тошкентдан узоқда, Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида яшаса-да, тез-тез келиб туради ёки кўнгирок қилади, хат-хабар йўллайди.

Унинг газетамиз билан ҳамкорлиги 1952 йил 15 августдан бошланган. Шу кунининг «сайловчи ва депутат ўртасидаги муносабатининг қоникарсиз эканлиги борасидаги мақола-

сининг фаол аъзоси. ЎзХДП туман кенгашининг жамоатчи матбуот котиби сифатида партия ҳаётига оид мақола-ларига шахар ва вилоят газеталарида тез-тез эълон қилинади. Бурхон ота хар йили «Ўзбекистон овози» газетасига обунани ташкил этишда ҳам фидойилик қилиб келмоқда. Газетамизнинг садоқатли

Юнус ЗИЁДОВ,
Шавак АҚРАМОВ
(фото)
Суратда: Бурхон Шомирзаев (уртада) партия фаоллари билан.

Болалар спорти

«КАРАТЭ — ГИЁҲВАНДЛИК ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ»

ШИОРИ ОСТИДА КАТТАҚҲҲОН ТУМАНИДАГИ ОРЗИ МАҲМУДОВ НОМЛИ 17-ЎРТА МАКТАБДА «ПРОКУРОР КУБОГИ» ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ҳеч бир ота-она ўз фарзанди ёмон одам бўлишини истамайди. Лекин носоғлом муҳит, атрофдагиларнинг беарвоғлиги болаларнинг турли йўлларга кириб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, фарзандлар тарбиясида, беарқ қарар, келажакка нисбатан бепарво бўлиш билан баробардир.

Фарзандларимиз ўқшдан бўш вақтларида нималар билан шуғулланибгани, қиммат билан мулоқотда бўлиши ҳар бир ота-она, маҳалла назоратида туриши керак. Болаларни қизиқишларига қараб спортнинг турли тўғарақларига жалб қилиш, кучли, бақувват бўлишларида спортнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Каттақўрғон туманида бўлиб ўтган тадбирда йиғилганлар мана шу масалаларга эътибор қаратдилар. Шундан сўнг бошланғич турнир томошабинлар олқиши, ҳайқириқлари билан қизгин тус олди. Туман мактабларидан каттақўрғон туманида зиёда шарҳатчиурган мазорат ва қобилиятларини намойиш этишди.

Абдумалик Мустафоқуллов,

Маҳмуд Ёркинов, Бобур Нурмухаммедов, Аббос Аҳмедов, Алишер Рустамов, Содикжон Маждовлар турнир қўли сифатида шохсупага кўтарилиди. Уларга кубок ва қимматбаҳо совғаларни Каттақўрғон тумани прокурори аўлия кичи маслаҳатчиси Хотам Ҳасанов тантанали равишда топширди.

Ушбу турнирда каратэ федерацияси раҳбарлари ва мураббийлари томонидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берилди. Ҳамро Худойбердиев, Акмал Ходиев, Ботирали Бобомуродов, Фахриддин Худойбердиевларнинг шогирдлари туман, вилоят, республикада ижобий натижаларга эришаётгани эътироф этилди.

— Мен мана шу дақиқада ўғил-қизларимизнинг қувончи, қудратини кўриб жуда ҳаяжонланганим. Шунга ҳақшар мусобақаларни, тез ўтказиб туриш кераклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Президентимиз томонидан биланган спортга кўрсатилган алоҳида эътиборга амалий жавоб сифатида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам




қатор мусобақалар ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди Хотам Ҳасанов.

Бизга яхши маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича тузилган нубулика Бosh прокурори раис этиб тайинланган эди. Мазкур комиссиянинг 2000-2005

йилларга мўлжалланган тадбирлари дастурида кўрсатилганидек, «Ешлар бўш қолишининг олдини олиш, уларнинг кўнгилни дам олишларини ташкил этиш учун жойларда спорт ўйингоҳлари, дам олиш рамоғлари, ҳарбий-спорт лагерлари, кутубхоналар, клублар фаолиятини тубдан яхшилаш ва ёшларни ушбу му-

ассасаларга жалб қилиш масалаларига эътибор қаратиш» таъкидланганди. Каттақўрғон туманида бошланган хайрли ташаббус бошқа туманларда ҳам оммалашса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фаррух ҲАМРОЕВ, Шавкат АҚРАМОВ, (Фотолар) Суратларда: мусобақадан лавҳалар.



Янгу кумоб

МОҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Яқинда адабиётшунос олим Эркин Худойбердиевнинг «Ҳабиб Саъдулла» номли китоби нашр этилди



Катта ўзбек адабиётини улкан уммонга қисласак, унинг ҳар бир тўлиқни ўзи моҳияти, бетакрор мавжига эга. Денгиз сокинлик ортидаги ҳайқириқ, сукунат бағридаги уйғоқликдир. Унинг туб-тубидаги яширин дурларни қалб қўзи билан қуриш, юрак бирла ҳис этиш керак. Уни англаб етишининг йўллари эса ҳаммавақт машаққатлидир. Машрабта тушунган юрак бу ҳаётга исён қилиши, Бобур фарёдларини англаган одамнинг кўксига Ватан қад ростлаши шеърининг нақадар буюклигидан, сўзининг қудратидан даллат беради. Айтилган сўз ўзгилгининг намоён этибгина қолмай, сенинг оламингдан, кўнгил мамлакатингдан эшитгунча мурда келтиради. Шундан бўлса керак, шoirлик касб эмас қисматдир. Шеърят йўллари узра юрак қадм ташлайди, қалб ҳайқиради. Унинг акс-садоси эса шеърят отлиқ чексизликда мангу жанрлайди.

шундай шоир борлигидан фойдаланди.

Юқорида биз номини зикр этган китоб улғу шоирнинг ўқувчиларга маълум бўлмаган қирраларини очиб беради. Унда мавжуд бўлган «Халқ шоирининг такомили», «Эзгулик ва виждон шоири», «Меҳр кўёши» номли бўлимлар Ҳабиб Саъдулла шеърини ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитади. Шунингдек, китоб сўнггида шoir асарларининг библиографияси илова қилинади.

Назаримизда ушбу тадқиқот ўзининг долзарблиги, шоир оҳидининг мазмун-моҳиятини очиб беришига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Адабиётшунослигимизда воқеа бўладиган «Ҳабиб Саъдулла» номли китоб шoir ижодида қизиқувчилар, адабиёт тадқиқотчилари учун муҳим қўлланма эканлигига асарини ўқш давомида ишонч ҳосил қилдик.

Мустақиллик йилларида адабиётимизга кўрсатилаётган эътибор, сўз эркинлиги туфайли ижодкорларимиз жуда катта имкониятларни қўлга киритаётганларини «Ҳабиб Саъдулла» номли китоб орқали ҳам билиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг дарозлиги моҳияти манзараларига бағишланган китобини мутолаа қилиш асосида кўнгилдан шундай ўйлар ўтди. Ҳали адабиётшунослигимиз шоир ижодини талқин ва тадқиқ қилиши йўлида қўл ишларни амалга оширади, шоир шеърини тасаввуримизга мурасамлашган Ватан севгиси, муҳаббат туйғуси, инсон манзараларига бағишланган тадқиқотлар яратди.

Фаррух ҲАМИДУЛЛО

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

СЎРАГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ

«Сўраганнинг айби йўқ, Сўраганнинг айби йўқ»; «Сўрагандан сўрамаган ёмон»; «Сўраб билган — камтарлик, сўрамаган — хумпарлик»; «Билмаганнинг сўраб билса — уяли йўқ»; «Сўраб-сўраб, Маккани топибди»; «Сўрай-сўрай билиб олибди, уяла-уяла кейин

қолибди»; «Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш». Бу хусусда Шайх Саъдий ўзининг машҳур «Ғулистон» асарига шундай ёзди: «Имом Ғаззалидан: «Илмда бундай юксак даражага қандай етишдингиз?» деб сўрадилар. У: «Билмаган нарсани сўраб ўрганишдан уялмадим, деди.

Билмагани сўраб ўрганган — олим, Орналиб сўрамаган — ўзига эзлим (Навоий)

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни ишери томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилини шартли инвестицияларга танлов асосида бепул бериш бўйича

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2004 йил 26 октябрда ўтказилган танлов савдолари на- тижасида кўра, қуйидаги паст ликвидли давлат на- тари (акция пакетлари) инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат активлари РЎЙХАТИ

Table with 8 columns: No, Korxonasi nomi, Manzili, Jami, Shu jumladan davlat ulushi, Faoliyat turi b'ycha (savlab qolish eki savklamaslik), Investitsiya majburiyatlarini (mln. s'm), Investitsiya majburiyatlarining bajarilishi muddati (yil).

Шунингдек, ҳудудий танлов комиссияси газетчилик ва чоп этилган савдо натижалари тўғрисидаги эълонда «10 октябрда» сўзлари ўрнига «12 октябрда» сўзлари ўқилиши лозимлигини маълум қилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-22-98; 133-39-57.

Хоразм вилояти хўжалик сўдининг 2004 йил 11 октябрдаги 22-04-03 — 2506-сонли ажримоти асосан «Хоразмўштсавдо» очик акциядорлик жамиятида банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан кузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб К.Эшчанов тайинланган. Кузатишга оид ишлар давом этмоқда. Банкротлик иши 2004 йил 11 ноябр кўни соат 11.00 да Хоразм вилояти хўжалик сўдида қўрилади.

«Хоразмўштсавдо» АЖ муваққат бошқаруви

Спорт

ОФИР АТЛЕТИКА

Таиланднинг Чангмай шаҳрида ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари ўтказилди. Қитъамизнинг 26 давлатдан умидли спортчилар қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз олтига кумуш, олтига бронза медалини қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Ушбу муваффақиятга мураббий Шариф Шанназаров шогирдлари Ақобир Усмонов (62 кг.), Саломат Нуруллаев (77 кг.), Фуркат Саидов (85 кг.) ҳамда Вячеслав Тен (105 кг.) лар муносиб ҳисса қўшдилар.

ФУТБОЛ

Яна икки турдан сўнг олий лига жамоалари мамлакат XIII миллий чемпионати учрашувларини якунлашди. Мавсум поёнига етгани сайин ҳар бир ўйин кескин ва мурасасиз ўтмоқда.

Кеча уюштирилган 24-турда «Бухоро» жамоасини қабул қилган пахтакорчилар рақиблари дарвозасига жаъовисиз 4 та тўп киритди. Ушбу ғалабадан сўнг, очколари сонини 65 тага етказган «Пахтакор» футболчилари мuddатидан илгари мамлакат чемпионлиги бўлди. 23-турда ўз майдонидан «Нефтчи» билан очколарни бўлишиб олган (1:1) «Навбахор» жамоаси энди фақат бронза медалга учун кураш олиб боради.

Қолган бахсларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Металлург» — «Насаф» — 0:2, «Сурхон» — «Навбахор» — 0:4, «Локомотив» — «Кизилқум» — 5:0; «Андижон» — «Самарқанд-Д» — 2:1; «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 3:0; «Машъал» — «Трактор» — 3:2. Навбатдаги тур учрашувлари 10 ноябр кўни ўтказилади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Бишкек (Қирғизистон)да ёшлар ўртасида Марказий Осиё республикалари II халқаро турнири поёнига етди. Унда вакилларимиз 14 та олтин, 9 та кумуш ва 11 та бронза медалига сазовор бўлишди.

2005 йили Марокашда бўладиган жаҳон чемпионати олдинда муҳим тайёргарлик босқичи бўлган мазкур бахсларда ёшларимиз яна бир бор синовдан ўтдилар. Унда айниқса, андижонлик Улуғбек Аҳмедов қайд этган кўрсаткич мутахассисларимизни қувонтирди. Улуғбек 100 метрга югуриш (11.48 сония) ва 110 метрга тўсқар оша югуриш (15.31 сония) баҳсларида олтин медал соҳиб бўлди.

Шунингдек, умидли енгил атлетикачилардан Ситора Ҳамидова (Термиз), Азиза Турдиқлова (Самарқанд), Аборот Ҳамдалиев, Мансур Отабоев, Аъзам Қўчқоров, Ҳусниддин Ярашев (Андижон), Артём Дятлов (Тошкент)лар шохсупанин юқори қоронасига кўтарилишди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Бекобод туман партия кенгаши биринчи котиби З.Қодировга акаси Искандар КОДИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ. БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Давлат мулки қўмитаси томонидан республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг дунанба, чоранба, жума кунлари бўлиб ўтган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объект қўйилад:

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Ashidd RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbegonov QAIPBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abduq'ani MAMASODIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifot, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.